«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Учтепа туман ҳокими

_____Ф.Абдуллаев

Учтепа туманида 2023 йил “Менинг йўлим” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакилланган тадбирларни молиялаштириш бўйича манзилли рўйхатга кўра қилинаётган ишларни таҳлил қилиш юзасидан туман хокимининг йиғилиш БАЁННОМАСИ

«08» октябр 2023 йил «02В13» -сонли Тошкент шаҳар

Қатнашдилар: **Комиссия аъзолари (рўйхат бўйича)**

Кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги ПҚ-5250-сон ““Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакилланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги 49-сонли “Автомабиль йўллари соҳасида очиқлик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кўчайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Учтепа туманида 2023 йил “Менинг йўлим” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакилланган тадбирларни молиялаштириш манзилли рўйхати бўйича амалга оширилаётган ишларни кўриб чиқиш тўғрисида.

2. Бошқа масалалар.

(Ф.Абдуллаев, Ж.Алимджанов, Ж.Каримов, А.Арзиев, А.Рустамов, А.Наимов, Ф.Абдуллаев)

Кун тартибидаги масала юзасидан Учтепа туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Алимджанов сўзга чиқиб, 2023 йилнинг 12 май кунида тасдиқланган “Менинг йўлим” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакилланган тадбирларни молиялаштириш манзилли рўйхати бўйича жорий йилнинг 05 октябрь кунига қадар ишлар ташкил қилинмаганлигини таъкидлаб ўтди.

Жорий йилда “Менинг йўлим” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакилланган тадбирларни молиялаштириш бўйича манзилли рўйхатига кўра 4 та маҳалла фуқаролар йиғинининг 5 та ички хўжалик автамабиль йўлларига жами 1 890,0 млн.сўм маблағ ажратилганлигига қарамай манзиллий рўйхат бўйича бюртмачи ташкилот хисобланган туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан ишлар ташкил қилинмаганлигига эътироз билдирди.

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Алмиджанов ҳамда туман ҳокими ўринбосари А.Арзиев “Менинг йўлим” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакилланган тадбирларни молиялаштириш бўйича манзилли рўйхатини ижроси бўйича туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи С.Мамановнинг ҳисоботи эшитилди.

Туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи С.Маманов “Менинг йўлим” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакилланган тадбирларни молиялаштириш бўйича манзилли рўйхати ижросини амалга ошириш юзасидан манзиллий рўйхатга кўрсатиб ўтилган ички хужалик автамабиль йўллар таъмирлашга мухтожлигини юзасидан бошқарма томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганиш ўтказилганлигини бунга кўра манзилли рўйхатдаги Ибрат МФЙ худудидаги Байроқ, Чаманзор МФЙ худудидаги Учтепа 2-тор ҳамда Бешқайроғоч МФЙ худудидаги Тўқмачи тор ички хужалик автамабиль йўллар таъмирлашга эхтиёж йўқлиги аниқланганлигини таъкидлаб ўтиб, ушбу ўрганишга доир далолатномаларни Ишчи комиссияга тақдим қилди.

Шунингдек, туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан манзиллий рўйхатдаги Ибрат МФЙ худудидаги Ибрат, Фозилтепа МФЙ худудидаги Изза 2-тор ички хўжалик автомабиль йўллар таъмирлашга мухтожлигини ва ушбу тадбирларни амалга ошириш учун хисоб-китоб лойиҳа-смета ҳужжатларига аниқлик киритиш бўйича “Шаффоф қурилиш” ахборот порталига киритилганлигини таъкидлаб ўтди.

Юқоридагиларга биноан йиғилиш қуйидагича

Қ а р о р қ и л а д и ;

1. Туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан тақдим этилган далолатномаларга асосан Ибрат МФЙ худудидаги Байроқ, Чаманзор МФЙ худудидаги Учтепа 2-тор ҳамда Бешқайроғоч МФЙ худудидаги Тўқмачи тор ички хужалик автамабиль йўллар таъмирлашга эхтиёж йўқлигини инобатга олиб жорий йилда “Менинг йўлим” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакилланган тадбирларни молиялаштириш бўйича манзилли рўйхатидан чиқариб ташлансин.

2. Туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан манзиллий рўйхатдаги Ибрат МФЙ худудидаги Ибрат, Фозилтепа МФЙ худудидаги Изза 2-тор ички хўжалик автомабиль йўллар таъмирлаш тадбирларини йил якунига қадар бажариш чораларни кўрсин.

Мазкур баён ижросини таъминлаш ва назорат қилиш туман ҳокимининг Қурилиш комуникатцияларни ривожлантириш экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича бўйича ўринбосари А.Арзиев ҳамда туман ҳокимининг Уй-жой комунал хизмат кўрсатиш ва ободонлаштириш масалалари бўйича ҳоким ўринбосари А.Наимовлар зиммасига юклатилсин.

Баённома олиб борувчи **М.Мирсултонов**

Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакиллантириш, бахолаш танлаб олиш ҳамда ижросини маниторинг қилиш бўйича.

Ишчи комиссия раҳбари–
Учтепа туман туман
ҳокимининг биринчи ўринбосари **Ж.Алимджанов**

Ишчи гуруҳи аъзоси –
Халқ депутатлари Учтепа
туман Кенгаши вакили **Ж.Каримов**

Ишчи гуруҳи аъзоси –
Туман ҳокимининг қурилиш,
Комуникатцияларни ривожлантириш
экология ва кўкаламзорлаштириш
масалалари бўйича бўйича ўринбосари **А.Арзиев**

Ишчи гуруҳи аъзоси –
Туман ҳокимлиги Иқтисодиёт
ва молия бўлими мудири **А.Рустамов**

Ишчи гуруҳи аъзоси –
Туман ҳокимининг уй-жой комунал
хизмат кўрсатиш ва ободонлаштириш
масалалари бўйича ҳоким ўринбосари **А.Наимов**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Учтепа тумани хокими

2023 йил "___" _____

"КЕЛИШИЛДИ"

Учтепа тумани хокимининг ўринбосари

2023 йил "___" _____

Учтепа тумани бўйича 2023 йил "Менинг йўлим" ахборат портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни амалга ошириш ҳамда бекор қилиш бўйича

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

минг сўм

№	Ғолиб таклиф маълумотлари				Буюртмачи номи	Хақиқатда ажратилган	Молиялаштириш манбаси (ФТЖ, қўшимча манба, бюджет параметри)	Манзилли рўйхат мақсади
	Таклиф ID рақами	МФЙ номи	Қисқача мазмуни	Тўплаган овозлари сони				
"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ						**1 500 000,0**	**x**	**x**
1	00260725001	Ибрат	Ибрат	416	Туман Ободонлаштириш бошқармаси	262 500,0	Ички хўжалик автомобиль йўлларини таъмирлаш	Туман Ободонлаштириш бошқармаси таъмирлаш тадбирини йил якунига қадар бажариш чораларини кўради
2	00260739001	Ибрат	Байроқ	201	Туман Ободонлаштириш бошқармаси	218 750,0	Ички хўжалик автомобиль йўлларини таъмирлаш	Туман Ободонлаштириш бошқармаси хамда Ибрат МФЙ раисининг 2023 йил 04 октябрдаги далолатномасига биноан Бекор қилинади
3	00264162001	Фозилтепа	Изза 2-тор	12	Туман Ободонлаштириш бошқармаси	525 000,0	Ички хўжалик автомобиль йўлларини таъмирлаш	Туман Ободонлаштириш бошқармаси таъмирлаш тадбирини йил якунига қадар бажариш чораларини кўради
4	00265342001	Чаманзор	Учтепа 2-тор	5	Туман Ободонлаштириш бошқармаси	175 000,0	Ички хўжалик автомобиль йўлларини таъмирлаш	Туман Ободонлаштириш бошқармаси хамда Чаманзор МФЙ раисининг 2023 йил 03 октябрдаги далолатномасига биноан Бекор қилинади
5	00265311001	Бешқайрағоч	Тўқимачи тор	3	Туман Ободонлаштириш бошқармаси	708 780,0	Ички хўжалик автомобиль йўлларини таъмирлаш	Туман Ободонлаштириш бошқармаси хамда Бешқайрағоч МФЙ раисининг 2023 йил 05 октябрдаги далолатномасига биноан Бекор қилинади
Тақсимланмаган маблағ						**1 890 030,0**	**x**	**x**

"КИРИТДИ"

Учтепа тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи

2023 йил "___" _____

"КЕЛИШИЛДИ"

Учтепа тумани хокимининг ўринбосари

2023 йил "___" _____

2023 йил “05” 10 Тошкент шаҳри

ДАЛОЛАТНОМА

Биз қуйида имзо чекувчилар Учтепа тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи С. Маманов, Бешқайрағоч МФЙ раиси М. Валиходжаев ҳамда Бешқайрағоч МФЙ фаоли Ш. Мулланов Учтепа тумани бўйича 2023 йилда белгиланган “Менинг йўлим” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакилланган тадбирларни молиялаштириш бўйича манзилли рўйхат ижросини таъминлаш юзасидан, мазкур манзиллий рўйхатда кўрсатилган Бешқайрағоч МФЙнинг, Тўқмачи тор ички хўжалик автомабил йўллари талаб даражасида бўлиб, таъмирлашга эхтиёж мавжуд эмаслигини маълум қиламиз (фото сурат илова қлинади).

Учтепа тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи С. Маманов

Бешқайрағоч МФЙ раиси М. Валиходжаев

Бешқайрағоч МФЙ (раиси) фаоли Ш. Мулланов

2023 йил “04” 10 Тошкент шаҳри

ДАЛОЛАТНОМА

Биз қуйида имзо чекувчилар Учтепа тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи С. Маманов Ибрат МФЙ раиси А. Тўхтамишев, ҳамда Ибрат МФЙ фаоли Л. Мансурова Учтепа тумани бўйича 2023 йилда белгиланган “Менинг йўлим” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакилланган тадбирларни молиялаштириш бўйича манзилли рўйхат ижросини таъминлаш юзасидан мазкур манзиллий рўйхатда кўрсатилган Ибрат МФЙнинг, Байроқ ички хўжалик автомабил йўллари талаб даражасида бўлиб, таъмирлашга эхтиёж мавжуд эмаслигини маълум қиламиз (фото сурат илова қлинади).

Учтепа тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи С. Маманов

Ибрат МФЙ раиси А. Тўхтамишев

Ибрат МФЙ фаоли Л. Мансурова

2023 йил “03” 10 Тошкент шаҳри

ДАЛОЛАТНОМА

Биз қуйида имзо чекувчилар Учтепа тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи С. Маманов Чаманзор МФЙ раиси М. Ибрагимов ҳамда Чаманзор МФЙ фаоли Д. Саидбеков Учтепа тумани бўйича 2023 йилда белгиланган “Менинг йўлим” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакилланган тадбирларни молиялаштириш бўйича манзилли рўйхат ижросини таъминлаш юзасидан, мазкур манзиллий рўйхатда кўрсатилган Чаманзор МФЙнинг, Учтепа 2 тор ички хўжалик автомабил йўллари талаб даражасида бўлиб, таъмирлашга эхтиёж мавжуд эмаслигини маълум қиламиз (фото сурат илова қлинади).

Учтепа тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи С. Маманов

Чаманзор МФЙ раиси Ахмад Хожиев

Чаманzor МФЙ фаоли Д. Саидбеков